Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 25 декабрдаги 1016 сон қарорига
1-илова

2020 ЙИЛ 5 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИ БЎЙИЧА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ЎТКАЗИЛАДИГАН САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ
Р Ў Й Х А Т И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА:
8-Оқманғит сайлов округи

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
9-Андижон сайлов округи

ЖИЗЗИХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
32-Жиззах сайлов округи
33-Дўстлик сайлов округи
35-Ғаллаорол сайлов округи
36-Пахтакор сайлов округи
37-Шароф Рашидов сайлов округи

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
44-Сардоба сайлов округи
49-Уйчи сайлов округи

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
56-Регистон сайлов округи
57-Суғдиёна сайлов округи
67-Пастдарғом сайлов округи

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
76-Шеробод сайлов округи
83-Олтинсой сайлов округи

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
87-Ангрен сайлов округи
89-Бўка сайлов округи

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:
102-Яйпан сайлов округи
104-Учкўприк сайлов округи

106-Бағдод сайлов округи

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

117-Урганч сайлов округи

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

133-Шахрисабз сайлов округи

134-Яккабоғ сайлов округи

135-Ғузор сайлов округи

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

148-Кўкча сайлов округи

150-Шайхонтоҳур сайлов округи

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 25 декабрдаги 1016-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

№	Тадбирнинг номи	Ижро муддати	Масъуллар
I. Сайлов комиссиялари фаолияти			
1.	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича тегишли сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан **тадбирлар дастурини** тасдиқлаш.	2019 й. 27 декабрь	Округ сайлов комиссияси
2.	Округ ва участка сайлов комиссияларини **якуний (овозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлаш) баённомалар** билан таъминлаш.	2019 й. 31 декабргача	МСК, АОКА, вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари
3.	Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланган намунага мувофиқ тегишли **сайлов бюллетенини тайёрлаш, чоп этиш** ва жойларга **етказиш.**	2019 й. 2 январгача	МСК, вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссияси
II. Ахборот-тарғибот ишлари			
4.	22 декабрь куни ўтказилган сайловлар бўйича депутатликка сайланган номзодлар учун сайловчилар томонидан берилган **овозлар сонини (фоиз кўринишида) кенг жамоатчилик** эътиборига етказиш.	2020 й. 2 январгача	МСК
5.	Округ ва участка сайлов комиссиялари биноларидаги стендларда **такрорий овоз беришда** иштирок этаётган номзодлар тўғрисидаги **ахборотни жойлаштириш.**	2020 й. 3 январгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, участка сайлов комиссиялари
6.	Такрорий овоз бериш **куни** ва унда **фаол иштирок этиш** тўғрисидаги **тарғиботни** ОАВ ва ижтимоий тармоқларда **тарқатиш.**	2020 й. 5 январгача	МСК, МТРК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

№	Тадбирнинг номи	Ижро муддати	Масъуллар
III. Сиёсий партиялар ва номзодларнинг фаол сайловолди ташвиқотини ўтказиш			
7.	Такрорий овоз беришда иштирок этувчи сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг **фаол ва тенг сайловолди ташвиқотини** ўтказиш мақсадида партияларга **маҳаллий телевидения**да **бир хил миқдордаги бепул тенг эфир вақти** ажратилишини таъминлаш.	2019 й. 27 декабрь – 2020 йил 3 январь	МСК, МТРК
8.	Такрорий овоз беришда иштирок этаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларнинг фаол **сайловолди ташвиқотини ташкил этиш**. Хусусан: босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чоп этиш ҳамда тарқатиш; ташвиқотни **вилоят, туман, маҳалла даражасида** ўтказилишига алоҳида урғу бериш; партиялар, номзодларнинг **сайловолди дастурларини ўзаро танқидий таҳлил этган** ҳолда унинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш; ОАВда қўйиладиган номзод учун овоз беришга чорловчи **видео, аудио роликлар жойлаштириш** ва бошқа шаклларда олиб бориш.	2019 й. 27 декабрь – 2020 й. 3 январь	Сиёсий партиялар, МТРК, АОКА, ОАВ
9.	Такрорий овоз беришда иштирок этаётган депутатликка **номзодларнинг сайловчилар** билан **учрашувларни ўтказиш** учун жиҳозланган хоналарни **бепул** ажратиш, уларга **зарур маълумот ва ахборот материалларини** олишда ёрдам кўрсатиш.	2019 й. 27 декабрь – 2020 й. 3 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
IV. Ташкилий масалалар			
10.	Такрорий овоз бериш ўтказиладиган сайлов участкаси биноларини **қўриқлаш, уларнинг атрофида хавфсизликни** таъминлаш.	2019 й. 26 декабрь - 2020 й. 5 январь	ИИВ, Миллий гвардия
11.	Сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари учун белгиланган биноларни **таъмирлаш**, уларга олиб борувчи **йўллар сифатини яхшилаш, атрофини ободонлаштириш, узлуксиз электр энергияси** билан таъминлаш, **замонавий компьютер** ускуналари, **Интернет**, **алоқа воситалари** билан жиҳозлаш.	2020 й. 2 январгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ахборот технологиялари вазирлиги
12.	СЯЭР асосида сайловчиларнинг рўйхатларини **чоп этиш ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этиш**, такрорий овоз беришнинг **вақти ва жойи ҳақида** сайловчиларни **хабардор қилиш**.	2020 й. 2 январгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ахборот технологиялари вазирлиги, участка сайлов комиссиялари

№	Тадбирнинг номи	Ижро муддати	Масъуллар
V. Такрорий овоз бериш кунидаги фаолият, овоз бериш натижаларни аниқлаш ва эълон қилиш			
13.	Такрорий овоз беришни **сайлов қонунчилигига** мувофиқ ўтказиш.	2020 й. 5 январь	МСК, вилоят, туман (шаҳар), сайлов комиссиялари
14.	Такрорий овоз бериш куни **ижтимоий тармоқларда салбий ҳолатлар**, шу жумладан қонунбузилишлар бўйича тарқатилаётган ахборотларга нисбатан **ўз вақтида тегишли муносабат (реакция)** билдириш.	2020 й. 5 январь	АОКА, Бош прокуратура, МСК
15.	Сайлов округи бўйича **овоз бериш натижаларини** аниқлаш.	2020 й. 5 январь	Округ сайлов комиссиялари
16.	Сайлов округи бўйича сайлов натижалари тўғрисидаги якуний баённомани тегишинча **Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига** белгиланган тартибда тақдим этиш.	такрорий овоз бериш натижалари аниқланиши биланоқ дарҳол	Округ сайлов комиссиялари
17.	Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга ўтказилган такрорий овоз беришнинг **дастлабки натижалари** тўғрисида ОАВ вакиллари учун тегишинча Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг **матбуот анжуманларини** ўтказиш.	2020 й. 6 январь	МСК, вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари, МТРК, АОКА, ЎзА, ОАВ
18.	Такрорий овоз бериш натижаларини кўриб чиқиш, сайланган депутатларни **рўйхатга олиш** ва уларнинг **рўйхатини матбуотда эълон қилиш**.	2020 й. 15 январгача	МСК, вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари